*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2015 йил
**16 сентябрь**
ЧОРШАНБА
**№ 74** (12814)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

# 24 БЕТАКРОРИМСАН, ЯГОНАСАН, ОНА ВАТАНИМ – ЎЗБЕКИСТОНИМ!



**Қибрайлик фермер Шуҳрат Мираҳмедов билан хўжалик ҳудудини айландик. 61 гектар майдоннинг 46 гектарида чорва учун озуқа экинлари экилади. 6 гектарини иссиқхона эгаллаган. Қолганида сутни қайта ишлаш цехи ва ферма жойлашган.**

## САРХИЛИ ВА АРЗОНИ ЎЗИМИЗДА

– Иссиқхонага "ламия" навли помидор ва "орзу" навли бодринг экдик, – дейди фермер. – Помидор ҳосилга кирди. Гектаридан 40 тонна ҳосил олишни мўлжаллаб турибмиз.

Хўжалик фермасидаги зотли қорамол 150 бошга етди. Улар Германия ва Словакиядан келтирилган.

(Давоми 2-бетда).

**Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг "Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир" номли асарига мутахассислар "Миллий тараққиётимиз фалсафаси акс этган асар", деб баҳо беришди. Айниқса, асарда қайд этилган: "Ўтган давр мобайнида ... ўзимизнинг ориятли, ғурур ва ифтихор билан яшайдиган халқ эканлигимизни, кимнинг авлодлари эканимизни эсимиздан чиқармадик ва узоқни кўзлаб олдимизга қўйган мақсадларга эришиш учун ўзимизни аямадик... Бир сўз билан айтадиган бўлсак, биз барчани ҳайратда қолдирадиган марраларни қўлга киритмоқдамиз ва эртанги кунга катта ишонч билан яшамоқдамиз" (96-бет), деган хулосаси ўйлайманки, ҳеч биримизни бефарқ қолдирмайди. Менга, бир ўқитувчи сифатида Президентимизнинг: "Тарихни унутган халқ, жамият ўз йўлини йўқотади. Бундай халқ ва жамиятнинг келажаги йўқ" деган фикри ўз фанимни ўқитишда асосий йўл-йўриқ вазифасини ўтамоқда.**

## ЧЕКСИЗ ҒУРУР МАНБАИ

Ҳақиқатдан ҳам ўтмишни, тарихимизни унутишга ҳаққимиз йўқ. Биз ўтмиши буюк халқмиз ва келажагимиз ҳам буюк бўлмоғи шарт.

Яна бир тарихий ҳақиқат шундан иборатки, Юртбошимиз таъкидлаганидек, собиқ Совет Иттифоқи даврида "Ўзбекистоннинг ҳақиқий тарихи ўрганилмас эди. Ўтган асрнинг 17-йилидан бошлаб ёзилган тарих китоблари ёлғон ғоялар асосида яратилгани сир эмас" (111-бет). Умумий ўрта таълим мактабларида Ўзбекистон тарихини ўқитишга собиқ Совет Иттифоқи тарихи таркибида арзимас соатлар ажратилди. 5-11-синфларда тарихни ўрганишга жами 612 соат берилгани ҳолда, Ўзбекистон тарихи учун атиги 44 соат (7,2 фоиз) ажратилган эди, холос. 8-синф "СССР тарихи" дарслигида "XIII-XV асрларда мамлакатимиз халқлари" деб номланган мавзуда Ўрта Осиё ҳақида берилган маълумот қуйидаги жумлалар билан бошланган: "Маҳаллий зодагонларнинг ўзаро урушлари натижасида ҳукмдор ва саркарда Темур майдонга чиқди. Бутун умри бўйи турли мамлакат ва халқларни беаёв, шафқатсизлик билан асоратга солди".

(Давоми 2-бетда).

**Ангрен шаҳри Фарғона водийсини республиканинг бошқа вилоятлари билан боғловчи ҳудуд бўлгани боис, 2007 йилда Германия ва Қувайт давлатлари инвестицияси ҳисобидан "Тошкент – Ангрен" темир йўл участкаси электрлаштирилди. Шунингдек, 2009 йилда шаҳарда логистика маркази ташкил этилди. 2013 йилда ҳукумат ташаббуси билан Фарғона водийсини республика темир йўл тизимига боғлаш учун "Тошкент – Ангрен" темир йўлининг давоми бўлмиш "Ангрен – Поп" электрлашган темир йўл қурилиши бошланди. Транспорт соҳасида амалга оширилган кенг кўламли ишлар шаҳар иқтисодий инфратузилмалари тараққиётига катта таъсир кўрсатди.**

## ИҚТИСОДИЙ ИНФРАТУЗИЛМА – ТАРАҚҚИЁТ АСОСИ

2012 йилда Ангренда йирик саноат корхоналарини ривожлантириш, уларнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш мақсадида Оҳангарон туманининг бир қисми ва Ангрен шаҳри ҳудудидаги 14,5 минг гектар майдон махсус индустриал зона деб эълон қилинди. Натижада, Ангрен шаҳридаги саноат корхоналари 229 тага етди. Яъни, 22 йилда улар қарийб 88 баравар кўпайди. Жумладан, 2012 йилда Ангрен индустриал зонасида Сингапур ва Австрия компаниялари ҳамкорлигида "Ангрен шакар заводи"ни ташкил этиш бўйича лойиҳа ишлаб чиқилди. Мазкур шакар заводи ишга тушгунга қадар республиканинг шимоли-ғарбидаги "Хоразм шакар заводи" аҳолининг шакарга бўлган талабини атиги 50 фоизга қондирар эди. Бундан ташқари, ушбу заводда ишлаб чиқарилган 40 фоиз шакар республикадаги қандолатчилик цехлари ҳиссасига тўғри келар эди. 2014 йилда суткасига 1000 тоннагача маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга "Ангрен шакар заводи" ишга туширилиши республика аҳолисининг шакарга бўлган эҳтиёжини тўла қондириш имкониятини яратди.

2013 йилда Ангренда қиймати 186,5 млн. долларлик 8 та инвестиция лойиҳалари тайёрланди. Масалан, мазкур йилда "Ўзкимёсаноат" ва "Ўзавтосаноат" компаниялари, "Ўзфармсаноат" концерни, Ўзбекистон савдо-саноат палатаси каби маҳаллий ҳамда йирик хорижий компания ва фирмалар иштирокида умумий қиймати 245 млн. долларлик 22 та истиқболли лойиҳалар ишлаб чиқилди. Бундан ташқари, Ангрен индустриал зонасида Олмалиқ кон-металлургия комбинатида барпо этилган янги бўлинмада йилига 8000 тонна турли диаметрли мис қувурлар ишлаб чиқарилиб, корхона маҳсулотларининг 90 фоизини икки томонлама шартнома асосида Швейцария, Хитой, Туркия каби давлатларга экспорт қилишни йўлга қўйди. 2013 йилда Хитойнинг "Xingjian Hengrui International Trade Co.Ltd" компанияси билан Ангрен индустриал зонаси дирекцияси ўртасида кўмир брикетлари ишлаб чиқариш лойиҳаси бўйича 3,2 млн. долларлик шартнома имзоланди. 2013 йилда "Ўзбекэнерго" ДАК билан Жанубий Кореянинг "EG Lightings" компанияси ўртасида диод фонуслар ишлаб чиқаришга ихтисослашган "EGL-NUR" қўшма корхонаси ишга туширилди. Корхона

(Давоми 2-бетда).

## МЕҲМОНЛАР ЮҚОРИ ЧИРЧИҚДА КУТИБ ОЛИНАДИ

**Республика Президенти Фармойишига мувофиқ шу йилнинг 15-16 октябрь кунлари Тошкентда XI Ўзбекистон халқаро пахта ярмаркаси бўлиб ўтади.**

Мазкур ярмарка пахта бўйича халқаро маслаҳат қўмитаси (ICAC)нинг энг муҳим тадбирларидан ҳисоблангани боис, дунё миқёсида пахта сиёсатини белгиловчи нуфузли анжуман сифатида аҳамияти беқиёсдир.

"Ўзпахтасаноат" уюшмаси тизимида бу нуфузли форумга қизғин ҳозирлик кўрилаётир. Эътиборлиси, ярмарка иштирокчиларини Юқори Чирчиқ туманидаги "Ўзбекистон пахта тозалаш" очиқ акциядорлик жамиятида кутиб олиш режалаштирилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, мазкур корхона замонавий қуритиш, саралаш, жилдлаш ва ленталаш ускуналари билан жиҳозлангани натижасида иш унумдорлиги бир неча бор ортиб, электр энергия сарфи анча камайди.

Ярмарка иштирокчилари бу ерда пахтани қайта ишлаш жараёнига татбиқ этилаётган замонавий янги технологиялар билан танишиш ҳамда мутахассислар билан бевосита фикр алмашиш имкониятига эга бўладилар.

**Ўз мухбиримиз.**

## ЮКСАК ХИРМОНЛАРГА БИЗНИНГ ҲИССАМИЗ

**Деҳқону боғбонлар йил давомида қилган машаққатли меҳнатларининг натижасини кўрадиган, ҳосилни сарҳисоб қиладиган кунларга ҳам етиб келдик. Юртимиз тупроғи серунум, гўзал боғлари серҳосил эканидан ҳар қанча ғурурлансак арзийди.**

Ер юзидаги миллионлаб инсонларнинг тўлақонли ҳаёт кечиришлари учун ҳар куни турли хил гўшт-сут маҳсулотлари, мева-чева, дон-дунларга эҳтиёж туғилади. Буларнинг ҳаммасини зироат-деҳқончилик билан шуғулланувчи заҳматкаш инсонлар етказиб беришади. Уларнинг одамлар дастурхонини тўкин, ҳаётини файзли қилишдаги хизматларини таърифлашга сўз ожиз. Зеро, деҳқончилик улуғ ва ҳосиятли касблардан. Шунинг учун аждодларимиз бу касб соҳибларини ҳамиша улуғлаб, ардоқлаб, эҳтиром кўрсатиб келишган. Ғазал мулкининг султони Алишер Навоий ҳазратлари деҳқонларимиз меҳнатига юксак баҳо бериб, уларни "ризқ йўлини очувчилар" деб таърифлаганлар. Чиндан ҳам деҳқонлар халқимиз учун ризқ йўлини очувчи шарафли касб эгаларидир.

Юртимиз аҳолисининг кўпчилиги қишлоқларда яшайди. Деҳқонларимиз халқимиз дастурхонини ноз-неъмат билан тўлдириш йўлида астойдил ҳаракат қилишмоқда. Бозорларимизни тўкинсочин, ҳаётимизни янада файзли бўлишида уларнинг хизматлари беқиёс.

Деҳқончилик ҳаёт таянчи, тириклигимизнинг устунидир. Аллоҳ Таоло деҳқончилик орқали етиштириладиган ҳосил ва меваларни инсонларга ризқ қилиб берган экан, киши ўз ризқига бефарқ бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун етиштирадиган ҳосилимизни турли бало-офатлардан асраш, бу йўлда динимиз кўрсатмаларига риоя қилиш ҳам мўмин-мусулмонларнинг вазифаларидандир.

Она диёримизнинг бепоён ҳудудларида, айниқса, қишлоқ минтақаларида яшовчи ҳар бир инсонга фаровонлигимиз асосларидан бири – деҳқончилик, зироат эканини яхши маълум. Ҳозир Ватанимизнинг қайси бир ҳудудига борманг, Аллоҳнинг марҳамати ва деҳқон меҳнати, қалб қўри билан етиштирилган пахта, дон, сабзавот, полиз ва боғлардаги мўл-кўл ҳосилни нест-нобуд қилмай йиғиштириб олинаётганига гувоҳ бўласиз. Улар ўзларининг фидокорона меҳнатлари билан Ватанимиз бойлигини кўпайтириш, халқимиз ҳаёти учун зарур бўлган барча қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик маҳсулотларини етказиш, улардан қишки мавсумга захира йиғишда катта куч ва ғайрат сарфламоқдалар.

(Давоми 2-бетда).

## МАҲАЛЛАНГ – ОТА-ОНАНГ

Рустамнинг биринчи мучали омадсиз келди, қўл-оёғидан мадор кетиб, тўшакка михланиб қолди. Кундан-кунга ранги сўлиб борар, ота-онасининг шифокорма-шифокор югуришлари натижасиз, ҳеч ким тўғри ташҳис қўёлмасди.

Рустамни синфдошлари яккалатиб қўйишмади, ҳар куни хабар олиб, кўнглини кўтаришга ҳаракат қилишарди.

Шу алфозда орадан бир йил ўтди.

(Давоми 2-бетда).

## ҚЎШИҚЛА ОТГАЙ ТОНГЛАРИМ

**Инсон – кўнгил кишиси. Унинг қалб торлари эзгулик насимлари билан шундай ажойиб куй таратадики, бу ҳаётбахш наволар оламни яшнатиб юборади. Қачонки, тирикликнинг ноёб неъмати – тинчлик, хотиржамлик ҳукм сураётган элда яшаётган бўлса...**

**Бундай юртни, Ватанни мадҳ этишни орзуламаган кўнгил кўнгилми?!**

Вилоятимизнинг ҳар бир тўю тантанаси, байрамларига файз киритаётган санъатсевар ёшларимиз, хушовоз хонандалар, моҳир созандаларимиз оз эмас. Яқинда, мустақиллик байрами арафасида бўлиб ўтган "Ягонасан, муқаддас Ватан!" кўрик-танловида қатнашиб, оламни куй-қўшиққа тўлдирган санъат ихлосмандлари қанча...

(Давоми 4-бетда).

## ЭСКИ БЎЛИМ ЯНГИ ҚИЁФАДА

**Бекобод тумани тиббиёт бирлашмаси қошида ишга туширилиши мўлжалланаётган болалар бўлими биноси олдида фарзандини бағрига босиб турган она ҳайкали ўрнатилган. Бу шунчаки ҳайкал эмас, унинг тимсолида она эъзозланган, бола улуғланган. Янги таъмирдан чиқарилган бўлим болалар сиҳат-саломатлиги йўлида яна бир муҳим қадам бўлди.**

55 болани стационар даволаш имконига эга бўлимда соматик касалликка чалинган 18 ёшгача болалар даволанадилар. Юмшоқ ва қаттиқ жиҳозли 2-3 кишилик хоналарда беморлар учун барча қулайликлар яратилган. Иссиқ ва совуқ сув, канализация, иситиш тизимига эга кенг ва ёруғ хоналар санитария меъёр ва қоидаларига тўлиқ жавоб беради.

– Давлатимиз соғлиқни сақлаш, айниқса, болалар саломатлигига жуда катта эътибор қаратмоқда, – дейди бош шифокор Эркин Хотамов. – Бўлимнинг 6 шифокори, 72 ҳамшира ва 5 техник ходими болажонларимиз саломатлигини сақлаш йўлида тинмай изланишдалар.



**Даврон АҲМАД олган сурат.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЧОРШАНБА 2015 йил 16 сентябрь



# МАҲАЛЛАНГ – ОТА-ОНАНГ

– Убай Мусаев номли ўйингоҳда спорт тўгараклари очилган, ўша ерга қатнаяпмиз, – деб қолишди бир куни Рустамнинг ўртоқлари Соима опага. – Ўртоғимизни ҳам ўша ерга олиб борсак дегандик. Бироз ёзилиб келармиди?!

Соима опа аввал кўнмади, ахир оёқда яхши туролмаса, ўйингоҳга олиб боришнинг ўзи бўладими? Лекин ўғлининг мўлтираб турганини кўриб, ноилож рози бўлди.

Шу-шу болалар Рустамни тез-тез ўйингоҳга олиб борадиган бўлишди. Ўғлининг заъфарон юзига қизиллик югураётганини кўрган онанинг кўнгли ёришди. Кўп ўтмай, Рустам оёққа турди. Соима опа бунинг сабабини кейин билди.

– Мураббий Радион Николаевичдан бир умр миннатдорман, – дейди Соима опа. – Ўғлимга турли машқларни бажартириб, оёққа турғизди.

Шундай қилиб, Рустам Раҳмедов оғир атлетика билан шуғулланиб, турли мусобақаларда нуфузли ўринларни эгаллаётган акаси Ислом Раҳмедов йўлидан борди, 13 ёшидан то ҳозиргача спортнинг шу тури билан шуғулланиб, 40 дан ортиқ медалли бўлди. У Чирчиқдаги Олимпия захиралари коллежида, кейин Тошкент жисмоний тарбия институтида давлат гранти асосида ўқиди. Меҳнат фаолиятини эндигина бошлаган Рустам ўзи туғилиб ўсган Зангиота қишлоғининг "Эски қалъа" маҳалласида оғир атлетика клубини ташкил этди. Клубга қатнаётган 54 ўқувчининг 16 нафари шу маҳалла болалари. Рустамнинг нияти қишлоқдан ўзи каби кўплаб чемпионларни етиштириш.

"Эски қалъа" – спортчилар маҳалласи. 3009 фуқаронинг 573 нафари вояга етмаганлар. Уларнинг 395 нафари 7 ёшдан 16 ёшгача бўлган болалар. Диққатга сазовор томони шундаки, уларнинг барчаси спорт клуби, тўгарак ва мактабларда шуғулланишади.

– Ёшларнинг ҳам маънан, ҳам жисмонан соғлом бўлиб вояга етишлари олдимизда турган муҳим вазифалардан биридир, – дейди маҳалла маслаҳатчиси Замира Жўраева. – Биз бунга фарзанд ҳали дунёга келмасиданоқ замин ҳозирлаймиз.

Маслаҳатчи бу гапларни бежиз айтмади. Саломатлик сари дастлабки қадам никоҳланувчи ёшларнинг тиббий кўрикдан ўтишидан бошланади. Фарзанд дунёга келгач, маслаҳатчининг иши янада кўпаяди. Бу йил 4 чақалоқ дунёга келди, тағин 20 аёл фарзанд кўриш арафасида. Замира опа чақалоғи бор хонадонлардан тез-тез хабар олиб, фарзандни чўмилтириш, оёқ-қўлларини оҳиста букиб-ёзиш, умуман жисмоний тарбия болани чиниқтиришда муҳим роль ўйнашини таъкидлайди.

Маҳалла кичкинтойлари иккита мактабгача таълим муассасасида тарбияланишади. Замира опа бу муассасалар билан ҳам мустаҳкам алоқа ўрнатган. Бу ерда кичкинтойларни спорт билан шуғуллантириб, турли мусобақалар ўтказишни назорат қилади. Қишлоқда "Зиё илм чашмаси" ўқув маркази очилиб, бадиий гимнастика тўгараги ташкил этилгани қизларнинг изчил шуғулланишлари учун кенг имконият яратди. Маҳалланинг 12 қизи бу ерга қатнамоқда.

– Менга гимнастика жуда ёқади, – дейди 5 ёшли Нозима Баҳодирова. – Эрталаб бир соат машқ қиламиз, кейин боғчага бораман. Ўрганганларимни ўртоқларимга кўрсатаман.

Бундан бир неча йил аввал маҳалла фуқаролар йиғинининг рағбати билан қатор мусобақалар ғолиби Хайрулла Улхўжаев ташкил этган тайбокс клуби бугун янада гавжумлашди. Убай Мусаев номли ўйингоҳ ҳам ҳар куни футбол ишқибозлари билан тўла. Машқлар ўз самарасини бермоқда. Яқинда Зангиота тумани ҳокими кубоги учун 9-13 ёшлилар ўртасида бўлиб ўтган мусобақаларда бу маҳалла жамоаларига тенг келадигани топилмади.

32-мактаб қошида очилган таэквондо тўгарагига ҳам маҳалланинг 20 дан ортиқ болалари қатнашади. Яқинда ушбу спорт тури бўйича вилоят мусобақаларида Абдуманноп Абдуфаттоҳов, Ҳожиакбар Лутфуллаев ўз вазнларида биринчи ўринни эгаллаб, республика босқичига йўлланма олишди.

Шунингдек, болалар мактабдаги очиқ сув ҳавзасида сузиш спорти билан шуғулланиб, чиниқмоқдалар. 32-, 33-мактаблардаги турли спорт тўгаракларининг ҳам ўз қизиқувчилари бор. Шахмат билан шуғулланаётган 12 ёшли Исломбек, 10 ёшли Илҳомбек, 9 ёшли Икромбек Шодмонқуловлар мактаб ва туман миқёсида ўтказилаётган мусобақаларда фахрли ўринларни қўлга киритмоқдалар. Боғчага борадиган Нафиса ҳам улардан қолишмайман дейди. Невараларидаги шахматга бўлган қизиқиш уларга буваси Облоқул отадан ўтган. Набираларига шахмат ўйнаш сир-асрорларини эринмай ўргатади, қаерга борса шахматга оид китоб олиб қайтади.

Маҳалла маслаҳатчиси ҳар бир бола спортнинг қандай тури билан машғуллигини назардан қочирмайди ва айни чоғда катталарни ҳам спортга жалб этади. Қишлоқда бўлиб ўтган "Кексалик завқи" спорт мусобақасида иштирок этган 60 ёшдан ошган эркак ва аёлларнинг ҳаракатига ёшлар ҳам қойил қолишди. Мини футбол, стол тенниси, шахмат-шашка мусобақалари ғоят қизиқарли ва жўшқин ўтди. Пенсионер О. Шодмонқулов шахматда ўзини кўрсатган бўлса, Дурдона Ваҳобова стол тенниси устаси эканини намойиш этди. Туман миқёсида ўтказилган "Аёллар спартакиадаси"да ҳам ғолиб чиққан Д. Ваҳобова танловнинг вилоят босқичида 2-ўринни қўлга киритди.

Қўшни кўрғонда "Тўғри овқатланиш" гуруҳи ташкил этилганини эшитган маҳалла маслаҳатчисининг тинчи бузилди. Беш-олти аёлни ёнига олиб, у ерга борди, тўғри овқатланиш ҳақида маслаҳат тинглаб, спорт билан шуғулланиб, яхши кайфиятда уйга қайтишди. Шу-шу машғулотлардан қолишмайди.

– Ўша ерга қатнаганимдан бери анча бардамман, – дейди 76 ёшли Муяссар Файзихўжаева. – Аёлларнинг аксарияти пенсияга чиққанидан сўнг кариликни бўйнига олиб, уйда ўтириб қолишади. Бу нотўғри. Агар овқатланиш меъёрига амал қилинса, спорт билан мунтазам шуғулланилса, сиз танангизга эмас, вужудингиз сизга бўйсунади. Биз билан бирга машқ қилиш истагида бўлган аёллар кўпаётганидан хурсандмиз.

Маҳаллада спортчилар кўпайишига фуқаролар йиғинининг ҳар бир оилага кириб бориб, уни чуқур ўрганаётгани, катталар ва болаларнинг қизиқишларини инобатга олган ҳолда иш тутиб, уларни спортга жалб этишни тўғри йўлга қўйгани сабабли эришилмоқда.

**Нозима АРСЛОНОВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

# ФОТИҲА НИКОҲ ЭМАС

**Улар ҳар куни кўришадиган бўлдилар. Кундан-кунга муносабатлари яхшиланиб, бир-бирларига ўргана бошладилар.**

Маънавият

– Куз келгани билинди, яқинроқ ўтиринг, совуқотиб қоласиз, – дея қизни бағрига олди Аброр одатдаги учрашувлардан бирида. Муаттар ҳам тортинмай, йигитнинг қучоғига кирди...

Хизматдаги милиция ходими бир-бирининг пинжига кириб ўтирган ёшларни кўриб, яқинлашди:

– Уялмайсизларми? – деди фонарини уларга тўғрилаб. – Ия, яна сенми, икки кун олдин ҳам ўтиргандинг.

– Бу менинг бўлажак турмуш ўртоғим, фотиҳамиз бўлган, – дея тўнғиллади Муаттар.

– Фотиҳанг бўлган-бўлмаганини ота-онангдан сўраб биламиз, қани идорага юрларинг.

– Истироҳат боғи яқинида яшайман, – деди Янгийўл тумани, Гулбаҳор шаҳарчасида яшовчи Галина Майскова. – Қоронғи тушди дегунча, ўриндиқларни йигит-қизлар эгаллаб, тун ярмигача ўтирадилар. Бир-бирлари билан қучоқлашишлари-ю, оғзидан чиқаётган гапларини эшитсангиз уялиб кетасиз. Ахир болалар бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун қурилаяпти бу замонавий майдончалар. Беҳаё, тарбиясизлар бу жойни булғашлари яхшими? Энг ёмони, қаршиларида турган муқаддас қадамжо ҳам уларни беҳаёликдан тўхтатолмаяпти. Наҳот, айрим ёшларимизда уят, андиша, ҳаё, ибо каби фазилатлар йўқолиб бораётган бўлса? Ё гап ота-онанинг беларволиги, улар бераётган нотўғри тарбиядами?

– Буни "оммавий маданият"нинг ҳаётимизга салбий таъсири дейиш мумкин, – дейди Чиноз туманидаги 5-умумтаълим мактабининг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Насиба Умарова. – Зеро, бу ниқоб остида ахлоқий бузуқлик, яъни аёл ва қизларнинг тамаки чекиши, спиртли ичимликлар ичиши, баданни кўрсатиб кийинишлари, йигит-қизлар муносабатидаги чегара йўқолиши каби миллатимизга ёт иллатлар тарғиб қилинаяпти. Демак, энг аввало, ота-оналар фарзандлари тарбиясига ҳар қачонгиданда масъулият билан ёндашишлари керак.

Орамизда кундалик иш-юмушларни баҳона қилиб, фарзандларига вақт ажрата олмаётган ота-оналар ҳам бор. Уларнинг лоқайдлиги турли муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Зеро, файласуфлардан бири: "Душманлардан қўрқма – нари борса, улар сени ўлдириши мумкин. Дўстлардан қўрқма – нари борса, улар сенга хиёнат қилиши мумкин. Бефарқ одамлардан қўрқ – улар сени ўлдирмайди ҳам, хиёнат қилмайди ҳам, фақат уларнинг жим ва бепарво қараб туриши туфайли ер юзида хиёнат ва қотилликлар содир бўлаверади" деган экан.

– Ҳақиқатдан ҳам рейдлар вақтида юқоридаги каби ҳолатларга дуч келаяпмиз, – дейди вилоят ИИБ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлими катта инспектори Шаҳноза Содиқова. – Вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида вилоятимиз шаҳар ва туманларидаги ресторан, кафе, бар, тунги ва интернет-клубларда мунтазам рейдлар ўтказамиз. Жумладан, ўтган етти ой давомидаги рейдларда 100 дан зиёд вояга етмаганлар ота-она кузатувисиз юрганлиги маълум бўлди. Шундан 40 нафари мактаб ёшидаги болалар, 69 нафари касб-ҳунар коллежи ўқувчилари экани аниқланди. Уларнинг ота-оналарига тушунтирилди, 31 ота-она фарзандларига таълим-тарбия бериш мажбуриятларини бажармаганлари учун қонунчиликда белгиланган тартибда маъмурий жавобгарликка тортилиб, тегишли миқдорда жарима ундирилди.

**Ирода МАҚСУДОВА.**

# ЧЕКСИЗ ҒУРУР МАНБАИ

Мен каби тарих ўқитувчилари эса умумий ўрта таълим мактабларида Ўзбекистон тарихининг сохталаштирилган нусхасини ўқитиб келганмиз. Хусусан, 4-синф учун ёзилган "Ўзбекистон ССР тарихидан ҳикоялар" дарслигида Амир Темурга бағишланган ҳикоя матнлари "Темурнинг босқинчилик юришлари" ва "Темурнинг золимлиги" мавзулари орқали берилган. "Темурнинг золимлиги" мавзуи орқали ўқувчиларга матндаги қуйидаги туҳматдан иборат маълумотларни ўқитганимдан ҳамон хижолат тортаман: "Темур жуда золим эди. У бутун дунёни ўзига бўйсундирмоқчи бўлди. Темур одамларнинг бошларини кестириб, шу бошлардан баланд миноралар қурдирар эди. Болалар қул қилиб сотиларди".

7-8-синфлар учун "Ўзбекистон ССР тарихи" дарслигидаги "Темур давлати" деб номланган 13-мавзу (55-бет)да ўқувчилар қуйидагиларни ўқиганлар: "Темур... жаҳон тарихининг ҳамма даврларида ўтган энг шафқатсиз ҳукмдорлардан эди. Темур забт этган мамлакатларни хароб қилди. Аҳоли бошига оғир кулфатлар келтирди".

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг саъй-ҳаракати билан Амир Темур ҳақидаги тарихий ҳақиқат тўла тикланди. Юртбошимиз 1993 йилнинг апрель ойида бир гуруҳ ёзувчилар билан учрашувда бундай деган эди: "Амир Темур даврини бошқатдан ўрганишимиз лозим". Юртбошимиз кейинроқ ўз фикрини давом эттириб: "Халқимиз тарихида миллатимиз фахри бўлмиш улуғ зотлар бениҳоя кўп. Аммо улар қаторида юлдузлар аро қуёшдай чарақлаб турган бир буюк зот борки, у Ватанимиз кечмиши, бугуни ва эртасида беҳад юксак ўрин тутади.

Ул муҳтарам инсон Соҳибқирон Амир Темур ҳазратларидир... Ҳаммамиз яхши биламизки, тарихда машҳур жаҳонгирлар кўп ўтган. Лекин айтинг, дунёнинг қайси ерида, қайси замонда Амир Темурдек буюк саркарда, Амир Темурдек буюк давлат арбоби, Амир Темурдек илм-фан, маънавият ва руҳоният ҳомийси бор?! Бугун ҳаётимизнинг барча жабҳаларида адолат ва ҳақиқат қарор топаётган тарихий бир даврда шу фикрни алоҳида таъкидлашни истар эдим: "Амир Темур бизнинг шаъну шавкатимиз, Амир Темур халқимиз даҳоларининг тимсоли, маънавий қудратимизнинг рамзидир".

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришгач, Ўзбекистон тарихини ўрганишга муносабат тубдан ўзгарди. Ўзбекистон тарихи тарихий ҳақиқат асосида қайта ёзилди. Шу тарихий ҳақиқат эса дунё халқлари ҳавас қилса арзийдиган, ўзимиз фахрланадиган ва ғурурланадиган тарихимиз борлигини намойиш этди. Бу ўринда Юртбошимизнинг юқорида тилга олинган асарида қайд этилган қуйидаги фикрларини келтириш жоиздир: "Биз бой тарихимиз, улуғ аждодларимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Тарихимиз – битмас-туганмас хазина. Биз учун чексиз ғурур манбаи" (116-бет).

**Усмон ЖЎРАЕВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими, Халқ депутатлари Бўка туман кенгаши депутати.**

(Давоми. Боши 1-бетда).



# САРХИЛИ ВА АРЗОНИ ЎЗИМИЗДА

Шунинг учун фермер сутни қайта ишловчи цехни ҳам шу ернинг ўзида ташкил қилди. Цехда кунига бир тонна сут қайта ишланиб, қатиқ, йогурт, сузма, пишлоқ, қаймоқ каби маҳсулотлар тайёрланади. Улар "BURA-OTA" савдо белгиси билан вилоят ва пойтахт дўконларида сотилади.

– Сутни қайта ишлашда энг муҳими сифат бузилмаслиги, – дейди Шуҳрат Мираҳмедов. – Бунда маҳсулотни қайта ишловчи ускуналарнинг аҳамияти катта бўлгани учун уларни Италия, Исроил каби давлатлардан олиб келдик. Шу билан бирга тажрибаларини ҳам ўргандик. Ҳозир маҳсулотимизга ўзлари харидор бўлишларини айтишаяпти.

**Ирода НОРБОЕВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**
**Даврон АҲМАД олган сурат.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

# ИҚТИСОДИЙ ИНФРАТУЗИЛМА – ТАРАҚҚИЁТ АСОСИ



120-175 ватт қувватига эга фонуслардан ойига 4000 дона ишлаб чиқара бошлади.

Ангрен шаҳрида мустақиллик йилларида иқтисодий инфратузилмаларнинг кенгайиб бориши билан ишлаб чиқариш ҳажми 1991 йилдаги 3.200.000.000 сўмдан 2014 йилга келиб, 234.085.000.000 сўмга ўсди. Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш 1991 йилдаги 801.000.000 сўмдан 2014 йилда 112.471.000.000 сўмга етди.

Хулоса қилиб айтганда, Ангрен шаҳар иқтисодий инфратузилмаси бугунги кунда янада ривожланиб, юксалиб бормоқда. Хусусийлаштириш сиёсати олиб борилиб, тадбиркорлик фаолиятига кенг йўл очилди, хорижий инвестициялар ёрдамида замонавий технологиялар жорий қилинди. Саноат корхоналарининг рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш салоҳияти оширилди. Саноатнинг янги тармоқларига асос солинди. Шаҳарнинг географик ўрнидан фойдаланиб, бу ерда транспорт йўлаги вужудга келтирилди. Республика миқёсида ташкил этилган Ангрен логистика маркази Фарғона водийсини мамлакатнинг бошқа вилоятлари билан боғлаш имкониятини берди. "Тошкент – Ангрен – Поп" йўналишидаги темир йўлнинг бунёд этилиши шаҳарни нафақат республика, балки Хитой – Марказий Осиё – Европа транзит йўли орқали жаҳон иқтисодий инфратузилмасининг бир қисмига айланиши учун замин яратди. Ангрен махсус индустриал зонасининг ташкил этилиши шаҳарда бу борадаги ишлар кўламини кенгайтиришда, саноат ва инфратузилмани янада ривожлантиришда, янги иш ўринлари яратилишида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

**Жамшид ПИРИМҚУЛОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тарих институти катта илмий ходими-изланувчиси.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

# ЮКСАК ХИРМОНЛАРГА БИЗНИНГ ҲИССАМИЗ

Катта меҳнат эвазига етиштирилган барча турдаги ҳосилни авайлаб сақлаш ва уни исроф қилмаслик ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Шу ўринда муҳтарам Юртбошимизнинг қуйидаги сўзлари диққат ва эътиборга лойиқдир: "Ҳақиқатан ҳам, халқимизнинг ризқу рўзи, насибаси, аввало, далаларимизда заҳматкаш деҳқонларимиз томонидан етиштирилган маҳсулотлар, озиқ-овқат ва нозу неъматлар билан ўлчанади".

Яратгандан бу йилги деҳқончилик мавсуми қутли-баракали бўлишини, халқимизнинг ризқ-насибасини зиёда қилишини сўраймиз. Деҳқонларимиз, фермерларимиз етиштирган пахта, мева-сабзавот, полиз ва чорвачилик маҳсулотлари, умуман ердан ундириладиган барча ҳосилимиз ҳар йилгидек мўл бўлсин!

Ҳар биримиз жаннатмакон юртимизни обод ва фаровон этиш йўлида астойдил меҳнат қилишимиз, айниқса, халқимиз турмуши янада файзли, кўркам ва тўкин бўлишига ўз ҳиссамизни қўшишимиз лозим.

**Одилжон НАРЗУЛЛАЕВ,**
**Янгийўл тумани "Жоме" масжиди имом-хатиби.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

**Қуйи Чирчиқ тумани "Мингчинор" маҳалласида қурилган замонавий спорт ўйингоҳи болажонларни беҳад қувонтирди.**

# «МИНГЧИНОР»ДА ЯНГИ ЎЙИНГОҲ

Ўйингоҳнинг атрофи ўралган. Ёритгичлар эса ёшларнинг кечки пайтларда ҳам бўш вақтларини мазмунли ўтказишларини таъминлайди.

– Объектни қуриш учун 300 миллион сўм маблағ сарфланди, – дейди мажмуани бунёд этган "Баҳодир келажак бизнес" хусусий корхонаси раҳбари Насрулло Набиев. – Шундан 100 миллион сўми банк кредити.

Яқинда ўйингоҳ ёнида волейбол, стол тенниси ҳамда болалар майдончалари қурилиши ҳам бошланди.

**Умида ҲИДОЯТХЎЖАЕВА.**

**Пахтакорларимизнинг ерга чигит қадагандан то ҳозирги кунгача қилган машаққатли меҳнатлари ўз самарасини бериб, вилоятимиз далаларида мўл ҳосил етиштирилди. Эндиги вазифа "оқ олтин"ни нобудгарчиликсиз, ёғинсочин кунларга қолдирмай, уюшқоқлик билан йиғиштириб олишдан иборат. Бунда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя этиш жуда муҳим.**

# ПАХТА ҲОСИЛИ ЁНҒИН ХАВФИДАН ҲОЛИМИ?

Пахта мавсумини муваффақиятли якунлашга кўмаклашиш мақсадида бошқарма ва жойлардаги ёнғин хавфсизлиги бўлимлари қошида тезкор штаб ва унинг ишчи гуруҳлари фаолият кўрсатмоқда. Мавсум олдидан 8 та пахта тозалаш корхонаси ва уларга қарашли 23 та қабул масканларида ёнғин-профилактик кўриклар ўтказилди, мавжуд мослама, техник асбоб-ускуналарнинг ҳолати ўрганилди. Натижада пахта тозалаш ва қабул қилиш пунктларига қўшимча ёнғин ўчириш насослари, қалқонлар, учқун сўндиргичлар, ёнғин ўчиргичлар билан таъминлаш ҳақида таклифлар киритилди ва амалий ёрдам кўрсатилди.

Пахта тозалаш корхоналари ва қабул шахобчалари жамоаси иштирокида 9 марта ёнғин-тактик машқ, 23 марта машғулот ўтказилиб, уларга ва ёнғинни ўчириш дружиналарига аниқ вазифалар юклатилди. 327 ишчи-хизматчи иштирокида ёнғинга қарши йўриқнома ва суҳбатлар ўтказилди. Теримчиларга ёнғиннинг олдини олиш йўл-йўриқлари тушунтирилди.

Пахта ташишда қатнашадиган 69 та автотранспорт воситаси, 1513 та трактор тиркамасидан 774 тасининг ёнғинга қарши ҳолати ўрганилди, аниқланган камчиликлар жойида бартараф этилди. Йиғим-теримда иштирок этаётганларга ёнғин хавфсизлигини таъминлашга оид қўлланма ва эслатмалар тарқатилди, пахта тозалаш корхонасида кўргазмали ёнғин ўчириш амалий-тактик машғулот ўтказилди.

**Суннатилла СУЛТОНОВ,**
**вилоят ИИБ ЁХБ ЁООБ бош мутахассиси.**

# ЖИЛОВСИЗ ХАТАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИНГ

**Айни кунларда ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан аҳоли ўртасида ёнғин хавфсизлиги қонун-қоидаларини тушунтириш ва уларга риоя қилиш бўйича учрашувлар ташкиллаштирилмоқда. "Тилсиз ёв" билан курашиш ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг вазифаси бўлсада, унинг олдини олиш ҳар бир фуқаронинг бурчидир.**

Шу боис аҳолининг қуйидаги ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиши мақсадга мувофиқ:

– очиқ алангадан фойдаланаётганда эҳтиёткорлик чораларини кўриш;

– электр ва газ асбобларини доим соз ҳолда бўлишини таъминлаш;

– қўлбола йўл билан тайёрланган электр ва газ асбобларидан фойдаланмаслик;

– белгиланган жойларда чекиш.

Бу қоидаларга амал қилиш билан мол-мулкимиз, ўзимиз ва яқин кишиларимизнинг ҳаётини асраб қолган бўламиз.

Ёнғин нафақат уй ва жиҳозларни кулга айлантиради, балки инсонлар ҳаёти, саломатлигига таҳдид солиб, бир умрга мажруҳ қилиб қўйиши мумкин. Бу каби ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида ёнғин хавфсизлиги бўлими ходимлари маҳалла фаоллари ва аҳолини ҳушёрликка чақиради.

**Дониёр ЎРМОНОВ,**
**Тошкент шаҳар ИИБ ЁХБ катта муҳандиси.**

Веломарафон

# ЧИРЧИҚЛИК ПОЙГАЧИЛАР ШОҲСУПАДА



**Ўрта Чирчиқ туманида "Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним – Ўзбекистоним!" шиори остида "Камолот-тур" VIII ёшлар веломарафонининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.**

Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, уларни спортга кенг жалб қилиш ҳамда мамлакатимизда велоспортни янада ривожлантириш мақсадида ташкил этилган мусобақада 300 га яқин ҳаваскор велоспортчилар 8 километрлик масофада мусобақалашишди.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши, вилоят ички ишлар, маданият ва спорт ишлари бошқармалари, касаба уюшмалари вилоят кенгаши, болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бошқаруви, МК "Ватанпарвар" ташкилоти ҳамда қатор давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ўтказилган пойгада ғолиблар 9-14, 15-17, 18-30 ёш тоифалари бўйича аниқланди. Муросасиз ва қизиқарли ўтган баҳс якунида, 9 ёшдан 14 ёшгача бўлган иштирокчилардан Руслан Бойметов, 15 ёшдан 17 ёшгача Достон Алламов ва 18 ёшдан 30 ёшгача эса Нуржигит Қўчқоров ғолиб бўлди. Эътиборлиси, учала ғолиб Чирчиқ шаҳри вакиллари.

Анъанавий мусобақада шунингдек, "Энг ёш пойгачи", "Фахрий велопойгачи", "Энг маҳоратли велопойгачи", "Энг иродали велопойгачи" ҳамда "Велопойгачилар оиласи" номинациялари бўйича ҳам ғолиблар аниқланди.

Вилоят маънавият ва маърифат марказида веломарафон якунига бағишланган тантанали тадбирда барча ғолиб ва совриндорлар фахрий ёрлиқ ҳамда эсдалик совғалар билан тақдирланди.

**Аваз ИСРОИЛОВ.**
**Мансур НАХАЛОВ олган сурат.**

Муносабат

**Автобусда кетаётиб, икки аёлнинг суҳбати қулоғимга чалинди. Гап-сўзларига қараганда бири маҳалла маслаҳатчисига ўхшарди. Янглишмабман. У шеригига маҳалласидаги бир оилада бўлган жанжал тафсилотини берилиб гапирарди. "Ҳозирги ёшларга ҳайронман, нозикми-ей, болали бўлгач, ўзларини ташлаворишади. Қайнона-қайнотанинг хизматини қилиш у ёқда турсин, боласини ҳам эплолмайди. Бунақада турмуш бўладими? Бу оилада йил бўйи шуни жанжали. Қайнона-келин чиқишолмайди. Аралашавериб, чарчадим. Охири бор-э, ажрашсанг ажрашавер, дедим-да, судга юбордим. Яна бир оилада..."**

## ОИЛАВИЙ БАХТ САБАБЧИЛАРИ



Энди маслаҳатчи бошқа оиланинг сирини гапира кетди.

Бу ҳангомалар газетамизнинг 11 апрель сонида чоп этилган "Яраштирувми ёки уриштирув?" сарлавҳали мақоласини ёдимга солди. Минг афсуски, гуруч курмаксиз бўлмаганидек, орамизда нотинч оилаларни муросага келтириш, ёш оилаларни сақлаб қолиш ўрнига, ўзининг "фойдали маслаҳатлари" билан айрим оилаларнинг бузилиб кетишига ҳисса қўшадиган маслаҳатчилар ҳам йўқ эмас. Камига оилаларда бўлаётган гап-сўзларни кўчага ташишади. Тўй, маросим, йиғинларда ҳам қилган ишларини кўпиртириб гапиришади. Бу билан улар оила сирини кўчага олиб чиқиб, сувни тиндириш ўрнига баттар лойқалантираётганларини ўйлаб кўришмасмикан?

Бундай маслаҳатчиларнинг бошқаларга ўрнак бўларли томони ҳам йўқ. Шунинг учун ҳам уларнинг ортидан айрим хонадон бекаларининг: "Палончи уйимга келиб менга ақл ўргатади, аввал ўз оилангни эплаб ол, кейин менга маслаҳат берасан, деб уни уйимдан ҳайдаб солдим", деган гап-сўзларини эшитиб қоламиз. Маслаҳатчи ёки оқсоқолнинг ўз уйида тинчи бўлмаса, у қандай қилиб бошқа оилаларни муросага келтира олади? Маҳаллани катта бир оила деймиз. Фуқаролар йиғини эса шу оиланинг бошлиғи. Оила бошлиғи уй сирини кўчага олиб чиқиши керакми? Бундай чоғларда муросага келаман деб турган оилалар ҳам бузилиб кетиши ҳеч гап эмас. Шундай экан, маҳаллаларда оиласидан тинган, ҳар томонлама ўрнак бўла оладиганлар етакчи бўлмоғи лозим. Шундагина оиладаги лойқаланган сув ташқарига чиқмай, шу ернинг ўзида тинади.

Кўплаб намунали маслаҳатчиларни биламан. Улар одамларга ҳар томонлама ўрнак. Зангиота туманидаги Қатортол қишлоқ фуқаролар йиғини хотин-қизлар кенгаши раиси Нодирахон Жўрабоева кўп йиллар жамоатчилик асосида ишлаб, қанчадан-қанча оилаларни сақлаб қолдилар. Зангиота қишлоғидаги "Ўрта маҳалла" маслаҳатчиси Муқаддас ая Деҳқонова кундузими, кечасими, бугунги ишни эртага қўймай, келишмовчилик чиққан оилага бориб, уларни муросага келтирмагунча тинчимасди. Бу фаолларнинг ортидан: "Шу онахон оиламизни сақлаб қолганлар, бугун жуда бахтли яшаяпмиз, шундайлар бор бўлсин" деган гапларни кўп эшитганмиз. Бу каби жонкуяр, ҳар бир оиланинг дарду қувончини ўзиники деб биладиган маслаҳатчиларнинг борлиги маҳалланинг бахти.

**Нозима РАҲИМОВА.**

Маданият

## ҚЎШИҚЛА ОТГАЙ ТОНГЛАРИМ

Улар орасида танловнинг вилоят, республика босқичларида муносиб иштирок этиб, ғолибликни қўлга киритган қўшиқчи қизнинг истеъдоди, оҳанграбоси ҳакамлар ҳайъати, томошабинлар меҳрини қозониб, олқишига сазовор бўлди.

Ҳаваскор хонанда Муслима Алиева 24 йилдирки, ўзининг ширали овози, дилрабо куй-қўшиқлари билан одамларга завқ, шавқ улашиб келмоқда. Қўшиқларига истиқлол нашидаси жаранг берган Муслима 4-5 ёшларида "Отмагай тонг"ни куйлаб, барчани лол қолдирган. Ўша пайтлардаёқ, унинг тақдирида санъат деган саодат борлиги маълум эди. Аммо, бу машаққатли йўлнинг азобию қувончларини бошидан хўп ўтказган Раънохон ва Мансуржонлар қизлари Муслимага ўқитувчиликни маслаҳат беришди.

– Педагогика коллежида ўқиб, устозларимдан ҳаёт сабоғини олдим, – дейди у. – Аммо, кўнгил мудом қўшиққа интилиб турса, унга бўйсунмасдан илож йўқ экан. Санъаткор ота-онам ҳаёти, мумтоз қўшиқчилик санъати дарғалари Берта Давидова, Ҳалима Носироваларнинг севимли шогирди Раъно Рўзиқулованинг санъатга меҳри таъбир жоиз бўлса "сут билан кирган" десам муболаға бўлмас. Қолаверса, ҳар бир мустақиллик байрами шодиёналари, концертларини бор вужудим билан севиб томоша қилганларим, доим эл-юрт хизматида, ҳурматида юрган онажонимга ҳавасим, мени шу йўлга бошлаган бўлса ажаб эмас. Фақат "бу ишни эплай оламанми, йўқми" деган истиҳола мени мудом таъқиб этиб келди. Шунинг учун ҳам ота-онам ҳақида ҳеч кимга айтмасдим...

Муслима, дарҳақиқат, мумтоз қўшиқларни маромига етказиб ижро этганида, санъатга бўлган ошуфталик унинг табиати, қонқонига сингиб улгургани маълум бўлди.

– "Муножот", "Танавор", "Фарғона тонг отгунча", "Отмагай тонг" қўшиқларини куйлаш менинг жону дилим, – дейди у. – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ҳабиба Охунова ижро этган "Сабо билан" қўшиғини қайта тиклаб куйлаганимда устозларим Коммуна Исмоилова, Гулсара Холбоеванинг мақтовлари, берган яхши маслаҳатлари катта сабоқ бўлди.

Ҳақиқатан ҳам, ёшлик – инсон умрининг энг гуллаган даври. Мамлакатимизда ёшларга доир давлат сиёсати изчил амалга оширилаётгани, уларга барча шароит, имкониятлар яратиб қўйилгани ўз самарасини бермоқда.

– Хориж тилларида, айниқса, инглизча қўшиқларни куйлаб, Ўзбекистоним довруғини оламга ёйсам дейман, – сўзида давом этди Муслима. – Ишонасизми, инглиз тилини бир ойда тўлиқ ўрганиб олдим. Шукрки, тақдир мени Ўзбекистон халқ артисти Мансур Тошматовдек таниқли санъаткор билан учраштирди.



– Менга истеъдодли хонанда Муслимахон Алиеванинг қўшиқлари, унинг овоз имкониятлари, куйлаш маҳорати ниҳоятда маъқул бўлди, – деди М. Тошматов. – Зеро, Ўзбекистон Миллий симфоник оркестри, хор камер оркестри ва миллий халқ чолғу оркестри қошидаги эстрада ва симфоник оркестрига бадиий раҳбарлик фаолиятимда бундай истеъдод эгаларини кам учратганман. Ажабланарлиси, мусиқа йўналишида билим олиш унга насиб этмаган экан... Лекин, консерваториянинг профессор-ўқитувчилари эътироф этганидек, тез орада Юртбошимиз таъкидлаган келажаги порлоқ, ҳар томонлама етук, баркамол ёшлар қаторидан жой олишига шубҳа йўқ... 3 йил ичида эстрада йўналишидаги қатор қўшиқларни астойдил ўрганиб, мухлислар эътиборини қозонди. Мен юртимиздаги, ҳатто Россия, Қозоғистон, Болгария, Чехия каби мамлакатлардаги нуфузли танловларнинг ҳакамлар ҳайъати аъзоси сифатида айтишим мумкинки, Муслимахон каби интилувчан ёшларимиз Ўзбекистонимиз шарафини муносиб ҳимоя қила олади. Унинг ютуғи аввало овоз имконияти, қолаверса тил билиши, ҳар бир қўшиқни юракдан, маҳорат билан куйлай олишида...

"Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси вилоят бўлими тавсияси билан вилоятдаги барча маънавий-маърифий, маданий тадбирларда фаол иштирок этиб келаётган, "Ягонасан, муқаддас Ватан!" дея озод Ватан алёрларини нафақат Ўзбекистонда, балки дунё мамлакатларида ҳам тараннум этишни мақсад қилган катта истеъдод соҳибаси Муслима Алиеванинг келажаги бунданда порлоқ бўлиши шубҳасиз.

**Сайёра РИХСИЕВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.**
**Қобилжон ҒОФУРОВ олган сурат.**

*(Давоми. Боши 1-бетда).*




### ҚОЧОҚЛАР МУШКУЛ ВАЗИЯТДА

**Энергетика масалалари бўйича немис еврокомиссари Гюнтер Эттингер қочоқлар билан юз бераётган мушкул вазият сабабли Германия конституциясига ўзгариш киритишга чақирди.**

Еврокомиссарнинг фикрига кўра, конституцияга киритиладиган ўзгаришлар қочоқларнинг мурожаатларига зудлик билан жавоб қайтариш имконини яратади. Жумладан, мамлакат бошпана бериш ҳақидаги мурожаатларни тезда рад этиш учун қулай имкониятга эга бўлади. Эттингер яна шуни қўшимча қилдики, қочоқларга бериладиган бошпана квоталари Европа Иттифоқи аъзолари бўлган мамлакатлар ўртасида кўнгилли тарзда тарқатилиши лозим. Акс ҳолда сурияликларни қабул қилиш бўйича мажбурий чора-тадбирлар келажакда иш бермай қолиши аниқ.

Ўтган дам олиш кунлари Берлин шаҳрида бўлиб ўтган кўп минг кишилик митинглар жараёнида маҳаллий аҳоли Европа Иттифоқидан қочоқларни ҳимоя қилиш ва ўзига аъзо бўлган мамлакатлардан бошпана беришга чақирди.

### УЙЛАР СУВ ОСТИДА ҚОЛДИ

**Илгари хабар қилинганидек, Японияда юз берган кучли тўфон оқибатида ёғингарчилик ҳам зўрайиб, катта сув тошқинлари юзага келиб, аҳолига кўп зарар етказди.**

Маҳаллий оммавий ахборот воситалари хабар беришича, сув тошқинлари оқибатини бартараф этишда қатнашаётган қутқарувчилар яна бир одамнинг жасадини топишди. Аниқлик киритилишича, Точиги шаҳрилик ушбу фуқаронинг машинасини катта сув тошқини оқизиб кетиб, шолипояга келтириб ташлаган.

Ҳозирги вақтда 25 киши бедарак йўқолган ҳисобланмоқда. 100 мингга яқин аҳоли хавфли жойдан эвакуация қилинган.

Мамлакатнинг Ибараки вилояти, жумладан, Дзёсо шаҳри бошқа музофотларга қараганда кўпроқ зарар кўрди. Кучли ёмғирлар оқибатида Кинугава дарёси қирғоқларидан тошиб, кўплаб уйлар сув остида қолди. Бунинг устига ер кўчкилари ҳам уйларни вайрон қилди. Одамлар табиий офатдан қутулиш учун уйларининг томларида жон сақлашди. Қутқарувчилар уларни 51 та вертолёт ёрдамида хавфсиз жойларга олиб ўтишди.

### ВАҚТИНЧАЛИК ЧЕГАРА НАЗОРАТИ

**Reuters агентлиги ички ишлар вазири Томас де Мезьернинг баёнотига таяниб тарқатган хабарида келтирилишича, қочоқлар оқими кучаяётгани боис Германия вақтинчалик чегара назоратини жорий қилди.**

Маълумотда айтилишича, ушбу назорат аввало, Австрия билан жанубий чегарада жорий этилади. Чунки, қочоқлар айнан шу томондан оммавий кириб келишмоқда.

Вазирнинг гапларига қараганда, назорат чораси Германияга қочоқлар келишини камайтиради ва мамлакатга кириш тартибини аввалги ҳолга қайтариш имконини беради. "Биз қочоқларга қаерда яшаб қолишни истасалар, ўша жойни эркин тарзда танлашларига йўл қўёлмаймиз", деди вазир.

Маълумки, кейинги пайтда қочоқларнинг Европага оқими кескин кўпайди. БМТ маълумотларига қараганда, Европага яширин кўчиб ўтган аҳоли асосан Яқин Шарқ ва Африка мамлакатларидан бўлиб, шу йилнинг бошидан буён 378 минг кишидан ошди. Навбатдаги икки йил давомида эса улар камида 850 минг кишига етиши тахмин қилинмоқда. Бунинг устига уларнинг асосий қисми Германияда қўниб топади.

### ХИТОЙЛИК САЙЁҲЛАРНИ ТУНАШАЯПТИ

**Францияда ўғрилар икки ватандошининг ёнини олмоқчи бўлган хитойлик гиднинг 25 минг евро пули ҳамда эндигина сотиб олган 5 минг евролик соатини тортиб олишди.**

The Local газетасининг ёзишича, уч ўғри икки аёл автобусдан чиқиши билан уларга ёпишиб, сумкаларини тортиб олмоқчи бўлишди. Шунда экскурсовод уларнинг ёнини олишга киришди. Натижада ўғрилар аёлларни ўз ҳолига қўйиб, экскурсоводни тунаб, воқеа жойидан ғойиб бўлишди.

Нашрнинг таъкидлашига кўра, кейинги пайтда Францияда хитойлик сайёҳлар кўпайиб бораяпти. Одатда улар ёнларида кўп миқдорда нақд пул билан юришади. Бу эса ўғрилар учун тайёр нишондир. Икки йил бурун Франция ҳукумати Хитойдан келаётган сайёҳлар гуруҳларини қўриқлаш чораларини кучайтирди. Сабаби, бундан олдин расмий Пекин юқоридаги ўғриликлар хусусида жиддий ташвиш билдирган эди.

### ҲАРАКАТДАГИ ВУЛҚОН ЯНА УЙҒОНДИ

**Япониядаги энг йирик ҳаракатдаги вулқонлардан бири қайта уйғонгани ҳақида хабар тарқатди Reuters агентлиги.**

Ушбу йирик Асо вулқони Кюсю оролининг жанубиғарбидаги Кумамото вилояти ҳудудида бўлиб, вақти-вақти билан ҳаракатга келиб туради. Мамлакат метеорология бошқармаси Reutersга берган хабарида таъкидланишича, олимлар вулқоннинг ҳаракати кун бўйи давом этишини башорат қилишмоқда.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

ЭЪЛОНЛАР

**"NEW ESTATE ACTION" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳар СИБ томонидан:

1. Тошкент вилояти Бекобод шаҳар Жиноят ишлари бўйича судининг 19.06.2015 йилдаги 1-77-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Маданият кўчаси, 9-А уй, 1-хонадон манзили бўйича тўрт қаватли бинонинг биринчи қаватида жойлашган, умумий майдони 249,67 кв.м, қурилиш майдони 191,3 кв.м. бўлган "нотураржой" савдога қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси - 171 584 000 сўм.

2. Тошкент вилоят Хўжалик ишлари бўйича судининг 05.06.2015 йилдаги 11-1535/5092-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 68-уй манзили бўйича жойлашган, умумий майдони 178,09 кв.м. Литер-0001 кафе биноси 103,69 кв.м., Литер-0002 дўкон биноси 34,08 кв.м., Литер-0003 ошхона биноси 40,32 кв.м. бўлган "Дўкон ва кафе биноси" савдога қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси - 216 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2015 йил 15 октябрь куни соат 12:00 да ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш (соат 10.00 дан соат 16.00 гача) аукцион бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади. Савдога қўйилган кўчмас мулк билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "NEW ESTATE ACTION" МЧЖнинг ОАИТБ "Ипак йўли" Миробод филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104995394001, МФО 01101, ИНН 302373151. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, М. Таробий кўчаси, 31-уй. Тел.: 254-69-13.

Лицензия: RR-0148.

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қуйидаги нотариус лавозимларига танлов ўтказишни қайта эълон қилади!**

**Ангрен шаҳар 3-сон давлат нотариал идорасига 1 нафар**
**Паркент туман давлат нотариал идорасига 1 нафар**

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:**

*1. Комиссия номига ариза;*
*2. Паспорт нусхаси;*
*3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;*
*4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал ёки иш жойида тасдиқланган нусхаси;*
*5. Олий юридик маълумот тўғрисидаги дипломнинг нотариал тасдиқланган нусхаси;*
*6. Талабгорнинг малака имтиҳонини топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма (малака имтиҳонини топширган, лекин нотариус лавозимида уч йил мобайнида ишламаган талабгорлар эса малака имтиҳонини қайта топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма);*
*7. Охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.*

Танловда йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик мутахассислик бўйича камида уч йил муддатли иш стажига эга бўлган, шу жумладан, белгиланган тартибда стажировкани ўтаган, малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси иштирок этиши мумкин.

Танловда иштирок этишни хоҳловчи фуқаролар 2015 йил 24 сентябрь кунига қадар Тошкент вилояти Адлия бошқармасига мурожаат этишлари лозим.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Ш. Руставели кўчаси, 93-уй.**
**Телефонлар: (0-371) 280-51-03, 280-51-04.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
e-mail: th.tp@mail.ru

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-38-23, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 233-56-03, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи Юлдузхон МУҲИДДИНОВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма S-3912. Адади 8089. Баҳоси келишилган нархда. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.00.